

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎЛЁЗМА ЎРНИДА

УДК: [330.115.+331]:631(575.1)

**ХОЛМУМИНОВ ШАЙЗОҚ РАҲМАТОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА  
РИВОЖЛАНИШИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

( Самарқанд вилояти мисолида )

**08.00.06 - «Эконометрика ва статистика» ихтисослиги**

иқтисод фанлари доктори илмий даражаси даъвогарлиги  
диссертациясининг

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент - 1998 й.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» ва «Иқтисодий кибернетика» кафедраларида бажарилган.

**Расмий оппонентлар (тақризчилар):**

**Убайдуллаева Раъно**

**Ахатовна** - Ўзбекистон фанлар академиясининг мухбир аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Беркинов Бозорбой** - иқтисод фанлари доктори, профессор

**Алиқориев Нуриддин**

**Сафарқориевич** - иқтисод фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот** - ЎзР ФА «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Кибернетика» институти

Диссертация 1998 й. «27» келат соат 14<sup>00</sup> да Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражаси ҳимояси бўйича ихтисослаштирилган Д 067.06.01 кенгашда ҳимоя қилинади.

Манзил: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49-уй.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети-нинг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 1998 й. «27» февраль да тарқатилди.

Ихтисослаштирилган кенгаш  
илмий котибаси,  
иқтисод фанлари доктори

*А.Қосимова* Қосимова М.С.

## ИШНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек «... ҳал қилинаётган энг долзарб муаммолардан бири ишлашни ҳошловчиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлаш ҳисобланмайди. Балки энг мақбул, ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтиришдан иборатдир».<sup>1</sup>

Бу эса «меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш»<sup>2</sup> ни ва ишсизликни камайтиришни тақозо этади. Уларни ижобий ҳал қилиш аҳоли турмуш даражасини оширишга олиб келади.

Ҳозир мамлакатда иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг олтмиш фоиздан ортиғи қишлоқ жойларида яшайди ва бу кўрсаткич мутғасил ўсиб боришга мойил. Бундай ҳолат қишлоқда саноат меҳнатининг тор доирада қўлланиши, янги иш жойларини яратишга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг етарли эмаслиги, меҳнат ресурслари сонининг иш жойларига нисбатан тезроқ ўсиши, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасида мутаносиблик мавжудмаслиги, маҳаллий ходимлари малакаси ва рақобат қобилиятининг пастлиги ва уларнинг иш ахтариш ҳаракатларининг сустлиги билан асосланади. Бундан ташқари, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга янги ерлар ўзлаштирилишининг камайиши, интенсив технология ва кам меҳнат талаб қиладиган техниканинг юқори унумсиз қўлланиши, хўжалик юритиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг янги, бозор усулларидан самарасиз фойдаланилиши, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожланишининг паст даражаси, қишлоқ хўжалиги ходимлари моддий манфаатдорлигининг пасайиши ва инфляция жараёнлари каби омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳолбуки, санаб ўтилган омиллар бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг муқаррар белгиларидир.

Аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтиришнинг самарали механизмларидан бири-меҳнат бозорини мақсадга мувофиқ шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда уни тартибга солиш ҳисобланади. Бу ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги узвий алоқалар ва зиддиятларни ҳамда улар ҳамкорлигининг самарадорлик мезонларини аниқлашга, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари касб-малакасини оширишнинг асосий йўналишларини белгилашга ҳамда жонли меҳнат ресурслари «ортиқча» ва иш жойлари «тақчил» шароитларда ишчи кучига

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон,1997.-254-255 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида.-: Ўзбекистон,1995.-231-б.

бўлган талаб ва таклифни макроиқтисодий тартибга солишга, пировардида иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий тадбирларни мақсадга мувофиқ равишда ишлаб чиқишга самарали имкон беради.

Бундай тадбирларни ишлаб чиқиш содир бўлаётган жараёнлар чуқур илмий тадқиқ этишни, қишлоқ меҳнат бозори (ҚМБ) шакллантирилишини ва ривожлантирилишининг энг муҳим муаммоларини ва уларни ижобий ечиш йўлларини аниқлашни талаб қилади. Бу йўлларни тўғри топиш эса, бугунги кунда замонавий эконометрик моделлар ва компьютер техникасидан самарали фойдаланиш негизида комплекс таҳлилга ва истиқболлаштиришга асосланади.

Булар мазкур муаммоларни батафсил илмий тадқиқ қилишнинг ўта муҳимлигидан дарак беради, зеро, уларни ҳал қилиш бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ иқтисодиёти ва меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашда ижобий натижаларга эришишга кўмаклашади.

**Муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси.** Бандлик, ишсизлик, инфляция, меҳнат бозори муаммолари ва уларни ривожланган бозор иқтисодиёти шароитларида эконометрик моделлаштиришни фундаментал тадқиқ этишга Ж.М. Кейнс, Р.Е. Лукас, А. Освальд, Х. Розан, Ж. Рудебш, Ф. Хайек, С. Холл, К. Янош каби хорижий етакчи иқтисодчи олимларнинг қатор илмий ишлари бағишланган. Бу тадқиқотлар бозор иқтисодиётига ўтиш даври бошқичида турган мамлакатларда меҳнат бозори умумий муаммолари ва уларни моделлаштиришни ўрганиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, иқтисодиёт фанининг бу соҳасидаги ривожига МДХ мамлакатларидан: Б.Д. Бреев, Т.И. Заславская, В.Г. Костиков, З.А. Котляр, И.С. Маслова, А.А. Никифорова, Г.С. Струмилин каби таниқли олимлар ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар. Бу муаммолар тадқиқотида ўзбекистонлик Қ.Х. Абдурахмонов, Н.С. Алиқориев, Б.Беркинов, С.С. Фуломов, Л.П. Максакова, А. Маматказин, Р.А. Убайдуллаева, Қ.Х.Хотамов, Н.Хўжаев, Р.Х.Шодиев, Т.Ш.Шодиев ва бошқа олимларнинг ҳам қатор илмий ишлари бағишланган. Аммо бу ишларда аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни моделлаштириш жараёнидаги айрим томонлар тадқиқ қилинган, холос. Уларда меҳнат бозори фаолият кўрсатадиган шароитда ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф шаклланишининг демографик, ижтимоий, иқтисодий жиҳатлари ва хусусиятлари тўла ёритилмаган. Иқтисодий-математик тадқиқотлар учун янги объект бўлган қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини комплекс эконометрик моделлаштириш муаммолари нисбатан кам ўрганилган. Қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг назарий асосларини ва уларни комплекс эконометрик моделлаштириш, таҳлил қилиш ва истиқболлини белгилаш методологияларини ишлаб чиқишга шу боисдан ҳам жиддий зарур-

рийат туғилди.

Ушбу муаммонинг ҳозирги пайтдаги юксак ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва етарли даражада ўрганилмаганлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини билдирибгина қолмай, унинг мақсади ва асосий вазифаларини тўғри аниқлашга ҳам имкон берди.

Тадқиқот мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетига ЎзР ДФТҚ томонидан берилган (01. 95. 0003792-сонли) «Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-техник топшириқни бажариш ва «Ўзбекистонда меҳнат бозори фаолиятини ва кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш» ТАСИС лойиҳасини тузиш бўйича белгиланган ишлар дастурларига мувофиқ танлаган.

**Тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари.** Диссертацион тадқиқотнинг мақсади - Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ислоҳ қилиш шароитларида қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг назарий асосларини ва бу жараёнларни эконометрик моделлаштириш, комплекс таҳлил қилиш ва истиқболлини белгилаш методологияларини ишлаб чиқишдан иборат. Бу жараёнда мақсадга мувофиқ тарзда қуйидаги асосий вазифаларни бажариш кўзда тутилган:

- қишлоқ меҳнат бозорининг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий мазмуни, таркиби ва хусусиятларини аниқлаш;
- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва уни тартибга солишни назарий асослаш;
- қишлоқ меҳнат бозори ривожланишининг аҳолининг оқилона бандлиги шаклланишига таъсирини тадқиқ қилиш;
- миллий ҳисоблар тизимини халқаро стандартга ўтказиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси иш билан бандлиги секторларида меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари (ТАБ)ни тузиш, қишлоқ меҳнат бозори фаолиятининг мақсадли комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва турли тармоқларда ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг истиқболлаштириш методологияларини яратиш;
- меҳнат бозорини моделлаштиришга хорижий ёндошишларни танқидий ўрганиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини излаб топиш;
- қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини комплекс эконометрик моделлаштириш методологиясини яратиш ва шу асосда моделлар ишлаб чиқиш ҳамда бу моделларнинг ахборотлар билан таъминланишини яхшилаш манбаларини аниқлаш;
- меҳнат бозори, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик бўйича статистик ҳисоботнинг янги формаларини ишлаб чиқиш;
- ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ҳақидаги ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш учун кадрлар маркетинги ва ёлланган хо-

димлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни, турли шакллардаги ишсизликнинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш учун аниқ социологик тадқиқотлар ўтказиш бўйича методик тавсияномалар яратиш;

– кўриб чиқиладиган ҳудудда (меҳнат сарфларининг ТАБи асосида) меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик ҳолатини иқтисодий-математик жиҳатдан комплекс таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш;

– Самарқанд вилоятида қишлоқ меҳнат бозори шаклланишининг яқин келажакдаги рационал параметрлари (кўламлари)ни аниқлаш;

– бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиш концепциясини яратиш;

– қишлоқда аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш ва ишсизликни камайтириш бўйича амалий тавсияномалар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** – Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида шаклланаётган меҳнат бозори.

**Тадқиқотнинг предмети** – бозор муносабатларига ўтиш шароитларида ҚМБининг шаклланиши ва ривожланиши туфайли вужудга келган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуаси.

**Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси** бўлиб, Президент И. А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли (стратегияси) ва бозор иқтисодиёти, аҳолининг иш билан бандлиги, меҳнат бозори, эконометрик моделлаштириш, тармоқлараро баланс, истиқболни белгилаш, мақсадли комплекс дастурлар тузиш, маркетинг ва социологик тадқиқотлар юзасидан хорижий ҳамда ватанимиз олимлари олиб борган илмий ишлар хизмат қилди. Диссертацияни тайёрлашда аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат ҳақидаги юридик ҳужжатлардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантириш ҳамда кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш ҳақидаги фармонлари ва қарорларидан фойдаланилди.

Диссертацияни ёзишда Макроиқтисодиёт ва статистика, Меҳнат, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ва уларнинг Самарқанд вилоятидаги ташкилотларининг ахборотлари манбаа хизматини ўтади.

**Диссертациянинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:**

– диссертант «қишлоқ меҳнат бозори» тушунчасининг янги талқинини изоҳлаган. У қишлоқда ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг ҳажми, таркиби ва нисбати шакллантирилишини ифодалайди;

– муаллиф қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши назарий асосларини ишлаб чиққан. Улар мазкур бозорнинг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва таркибини, унинг шаклланиш қонуниятлари, анъаналари, шарт-шароитлари, тамойиллари, омиллари, чекловчилари, хусусиятлари ва бошқа таркибий қисмлари ҳамда ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш усулларини янада чуқурроқ тадқиқ этиш учун асос бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиши ва аҳолининг оқилона бандлиги шаклланиши ўртасидаги ўзаро алоқалар асосланган;

– миллий ҳисоблар тизимини халқаро стандартларга ўтказиш хусусиятларини инobatга олган ҳолда меҳнат сарфларининг тармоқлараро балансларини тузиш, ишчи кучига бўлган талаб ва таклифлар истиқболини белгилаш ва қишлоқ меҳнат бозори фаолиятининг мақсадли комплекс дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан таклиф этилган методологиялар аҳолининг иш билан бандлиги ва мазкур бозорнинг шаклланиши ҳамда ривожланишини комплекс таҳлил қилиш ва истиқболлаштиришда қўлланилган;

– тадқиқотчи таклиф этган методология асосида ишлаб чиқилган эконометрик моделлар комплекси ёрдамида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни вужудга келтирувчи макроиқтисодий ва демосоциал кўрсаткичлар, ишчи кучига талаб ва таклиф ҳамда уларни ижтимоий-иқтисодий тартибга солиш ва аҳолининг оқилона бандлигини шакллантиришнинг энг мақбул вариантлари ва ишсизликни камайтириш ҳамда мазкур бозорни ривожлантиришнинг рационал параметрлари аниқланган;

– меҳнат бозори, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик ҳолатларининг статистик, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ҳақидаги ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилишнинг кадрлар маркетинги ва ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ва турли шаклдаги ишсизликнинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш юзасидан аниқ социологик тадқиқотлар ўтказиш бўйича дисертант яратган методик тавсияномаларни амалиётда қўллаш меҳнат бозорини таҳлил этиш ва истиқболини белгилашга имкон берди, у ишлаб чиққан эконометрик моделлар комплекси ахборот таъминотини эса сезиларли даражада яхшилади;

– муаллиф тузган Самарқанд вилоятининг 1991, 1996 ва 2000 йиллардаги меҳнат сарфлари ТАБи асосида меҳнатта лаёқатли қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик ҳолатлари комплекс иқтисодий-математик таҳлил қилинган. Бу эса ишчи кучига талабни вужудга келтирувчи макроиқтисодий кўрсаткичларни, иш жойларини меҳнат ресурсларига мослик нисбатларини, ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги мутаносибликларни ва иқтисодиётдаги тарки-

бий ўзгаришларни чуқур асослаш ҳамда уларнинг аҳолини иш билан бандлигига, жонли ва буюмлашган меҳнат сарфларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашга таъсирини тўғри баҳолаш имконини бери;

– яқин келажакда ишчи кучига нисбатан вужудга келиши кутилаётган талаб ва таклиф миқдори ва таркибининг макроиқтисодий ва демосоциал кўрсаткичларини, ишчи кучига талаб ва таклифни ҳамда улар ўртасидаги нисбатларни, аҳолининг оқилона бандлиги шакллантирилишини ва ишсизлик йўл қўйилиши мумкин бўладиган даражагача камайтирилишини ифодаловчи, тадқиқ қилинаётган вилоят қишлоқ меҳнат бозори вужудга келишининг рационал параметрлари ҳисобланган;

– диссертант бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш бўйича иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий жиҳатдан самарали чора-тадбирлар мажмуаси сифатида қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиш концепциясини ишлаб чиққан.

#### **Ҳимояга олиб чиқилади:**

– ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республикамиз қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг назарий асослари;

– миллий ҳисоблар тизимини халқаро стандартларга ўтказиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда меҳнат сарфларининг тармоқлараро балансларини тузиш, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф истиқболларини белгилаш ва қишлоқ меҳнат бозори фаолиятининг мақсадли комплекс дастурларини ишлаб чиқиш методологиялари;

– қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг эконометрик моделлар комплекси;

– меҳнат бозори, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик ҳолатларининг статистик, ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг кадрлар маркетинги ва ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги муносабатларнинг ҳамда турли шаклдаги ишсизлик пайдо бўлишига таъсир этувчи сабабларнинг аниқ социологик тадқиқотлари юзасидан методик тавсияномалар;

– Самарқанд вилояти қишлоқ меҳнат бозори шаклланишининг яқин келажакдаги рационал параметрлари;

– бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиш концепцияси;

– Самарқанд вилояти қишлоқ жойларида аҳолининг иш билан оқилона бандлигини шакллантириш ва ишсизликни камайтириш бўйича амалий тавсиялар.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти** шундан иборатки, унинг асо-

сий қоидаларидан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар давлат идоралари қишлоқ меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантиришда, бу жараёни таҳлил этишда ва истиқбол кўрсаткичларини аниқлашда, бандлик ва ишсизлик ҳолатларини ўрганишда фойдаланишлари мумкин. Таклиф этилган статистик ҳисоботнинг янги формалари, ишлаб чиқилган методик тавсиялар ва эконометрик моделлар комплекси қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиш ва ривожланиш ҳолатларини чуқур таҳлил этиш ва истиқболлини белгилашга имкон беради, шу билан бирга меҳнат ресурслари ортиқча бўлган қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришнинг демографик, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичлари ва дастурлари асосланишини ҳамда бу жараёнлар кучайтирилишини таъминлайди.

### **Асосий натижаларни синовдан ўтказиш ва татбиқ этиш**

Ушбу диссертацион тадқиқотнинг мазмуни қуйидаги мавзулар бўйича ўн саккизта халқаро ва республика илмий конференцияларида: «Инсон ресурсларини бошқариш: стратегия ва амалиёт» (Алма-Аты, 1996й.); «Ходимларни ривожлантириш стратегияси» (Нижний Новгород, 1996-1997йй.); «Ходимларни ва аҳолининг иш билан бандлигини бошқариш» (Москва, 1995й., Санкт-Петербург 1996й.); «Бозор иқтисодиёти шароитларида меҳнат ва аҳолининг иш билан бандлиги муаммолари» (Алма-Аты, 1993й.); «Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётининг шаклланиши муаммолари» (Тошкент, 1993й.) ва меҳнат, бандлик ва бозор иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларига бағишлаб 1987-1998 йилларда ўтказилган симпозиум ва семинарларда муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат аграр университети, Кибернетика институти, Республика меҳнат, бандлик ва ижтимоий ҳимоя муаммоларини ўрганиш илмий маркази, Макроиқтисодиёт ва ижтимоий муаммолар илмий-тадқиқот институти томонидан ўтказилган илмий семинарларда муҳокама этилган. Ушбу тадқиқотнинг методик тавсиялари ва амалий натижалари Меҳнат, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирликлари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Россия иқтисодиёт академияси, Самарқанд вилояти ҳокимиятининг Меҳнат, бандлик ва ижтимоий ҳимоя бошқармаси ва Макроиқтисодиёт ва статистика Бош бошқармаси томонидан татбиқ этиш учун қабул қилинган. Бу ҳақда тегишли хужжатлар (актлар ва маълумотномалар) мавжуд.

**Нашр қилиниши.** Диссертациянинг асосий мазмуни умумий ҳажми 64,8 б.т. бўлган учта монография, битта ўқув қўлланмаси, тўртта рисола, ўттиз саккизта (журналда йигирма битта) илмий мақола ва ўн саккизта маъруза матнларида баён этилган.

**Ишнинг тузилиши.** Диссертация: кириш, бешта боб, хулоса ва

тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат.

**Кириш қисмида** тадқиқ қилинаётган муаммонинг долзарблиги асосланган ва унинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, илмий жиҳатдан янгилиги ва амалий аҳамияти аниқланган.

«Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг назарий асослари» номли **биринчи бобда** қишлоқ меҳнат бозорининг моҳияти, тушунчаси, ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва хусусиятлари ҳамда унинг шаклланиш қонуниятлари, тенденциялари, шарт-шароитлари, тамойиллари, омиллари, чекловчилари ва бошқа таркибий қисмлари ҳамда тартибга солиш усуллари тадқиқ қилинган. Унда қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиши ва аҳолининг оқилона бандлиги шаклланиши ўртасидаги ўзаро алоқалар асосланган.

«Қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори фаолиятининг комплекс таҳлили ва истиқболини белгилашнинг методологик асослари» номли **иккинчи бобда** меҳнат сарфларининг ТАБини ишлаб чиқиш, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф истиқболини белгилаш ва ушбу турдаги бозор фаолиятининг мақсадли комплекс дастурини тузиш назарий асосланган. Меҳнат бозорини моделлаштиришга хорижий ёндошишларнинг танқидий таҳлили келтирилган ва улардан фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

«Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини комплекс эконометрик моделлаштириш» номли **учинчи бобда** комплекс эконометрик моделлаштиришнинг методологияси яратилиб, ишчи кучи таклифини шакллантиришнинг демосоциал манбалари, ишчи кучига талабни вужудга келтиришдаги макроиқтисодий кўрсаткичлар, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ҳамда уларни ижтимоий-иқтисодий тартибга солиш, аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш, ишсизлик ва қишлоқ меҳнат бозорини ривожлантириш бўйича моделлар ишлаб чиқилган.

«Қишлоқ меҳнат бозори эконометрик моделлари комплексининг ахборот таъминоти» номли **тўртинчи бобда** меҳнат бозори, аҳолининг иш билан бандлиги, ишсизликнинг ҳолатлари бўйича статистик ҳисоботнинг янги формалари яратилган ва ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг кадрлар маркетинги ва ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳамда ишсизликнинг вужудга келиш сабабларини аниқ социологик тадқиқ қилиш бўйича методик тавсиялар берилган. Ишлаб чиқилган эконометрик моделлар комплексининг таклиф этилган усуллари ёрдамида ахборотлар билан таъминланиш муаммоси тадқиқ қилинган.

«Самарқанд вилояти қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг ҳозирги ва келажакдаги ҳолатларини комплекс

баҳолаш» номли бешинчи бобда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган 1991, 1996 ва 2000 йиллардаги меҳнат сарфларининг ТАБи асосида меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси бандлигининг иқтисодий-математик таҳлили келтирилган ва ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳамда ишсизлик сабабларининг социологик баҳоси берилган, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф, аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш ҳамда ишсизликни камайтиришнинг яқин келажақдаги рационал параметрлари аниқланган. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ меҳнат бозори ривожланишининг концепцияси ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг якуний қисмида хулосалар ва таклифлар баён этилган.

## **ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ**

### **Ўтиш даври иқтисодиёти шароитларида қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг назарий асослари**

«Қишлоқ меҳнат бозори» тушунчаси иқтисодиёт фанида янги тушунча бўлиб, уни тўғри талқин қилиш мазкур бозор шаклланиши ва ривожланишини тартибга солишга кўмаклашади. Ўтиш даври иқтисодиёти шароитларида қишлоқ меҳнат бозорини ишчи кучининг «меҳнатга қобилиятлиларини» харид қилиш ва сотишни амалга оширувчи тизим сифатида талқин қилиш ўринли эмас. Муаллифнинг фикрича, қишлоқ меҳнат бозори ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳасининг очиқ, мураккаб, кўп жиҳатли ва ўсувчи тизимчаси бўлиб, у ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажми, тузилиши ва нисбатини шакллантиради. Ушбу бозор ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солишда бевосита иштирок этади ва аҳолининг оқилона бандлиги шаклланишига ҳамда ишсизликнинг камайишига бевосита таъсир этади.

Қишлоқ меҳнат бозорининг асосий компонентлари ишчи кучига талаб, унинг таклифи, қиймати, баҳоси ва уни ёллаш бўйича рақобат ҳисобланади.

Тадқиқотлар кўрсатадики, меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган мамлакатларда ишчи кучининг таклифи унга бўлган талабдан ортиқ бўлади, ходимлар иш жойларини эгаллаш учун ўзаро рақобат қиладилар. Бу ерда ишчи кучи баҳосининг пасайиш тенденцияси мавжуд бўлади. Бундай вазиятда назария бўйича иш ҳақини ишчи кучи қийматидан паст ўрнатиш учун қулай имкониятлар вужудга келади. Аммо давлат бундай имкониятларни қонун йўли билан «тўсиши» керак. Шу мақсадда энг кам иш ҳақи ва яшаш учун энг кам истеъмол даражаси расмий тасдиқланади. Бундай ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти қонунари

асосида нормал фаолият кўрсатаётган давлатларда энг кам иш ҳақи яшаш учун керакли энг кам истеъмол даражасидан паст бўлмаслиги керак.

ҚМБ идаги барча таркибий қисмлар самарали шаклланишининг **бош шарт** - ишчи кучининг «меҳнатга қобилиятларини» товарга айланишидир. Агар ишчи кучи эгаси - ходим юридик эркин ва ишлаб чиқариш воситаларидан ажралган шахс бўлсагина товарга айланади.

Меҳнатнинг эркинлиги ва ихтиёрийлиги, иш берувчиларнинг мустақиллиги - ҚМБи шаклланишининг **асосий шарт-шароитларидир**. Шу билан бирга ёлланма ходимларнинг ўз иш кучларига шахсий мулкчилиги ва иш берувчиларнинг иш жойларига жамоа ёки хусусий мулкчилиги, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги рационал нисбат, ёлланма ходимлар ва иш берувчиларнинг касбий - малакавий даражасини ошириш имкониятлари, иқтисодийдаги таркибий ўзгаришлар, ижтимоий меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий заминини такомиллаштириш, табиий бойликларнинг мавжудлиги ва бошқа бир қатор иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар ҳам мавжудки, улар ҚМБи шаклланишига бевосита таъсир этади.

Диссертацияда шу нарса асослаб берилганки, юқорида қайд этилган шарт-шароитлар ҚМБи шаклланишига, унинг фаолият кўрсатишида муҳим ҳисобланган ишчи кучининг эркин таклифи, иш берувчининг ишчи кучига мустақил талаби, ёлланма ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланганлиги, иш ҳақи ва бошқа меҳнат даромадлари даражасига давлат томонидан оширилиб белгиланган солиқлардан воз кечиш каби **асосий тамойиллар** тўлиқ амалга оширилган ҳолдагина самарали таъсир этади.

Шу билан бирга меҳнат ресурслари ортиқча бўлган қишлоқ ҳудудларида ишчи кучига талабнинг ошиши ва унинг таклифи пасайишига бевосита таъсир этувчи **омилларнинг** тадқиқоти энг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. **Ишчи кучига талабнинг ошишини** асословчи омилларга қишлоқ ҳўжалиги бўлмаган тармоқларда янги иш жойларини яратиш, меҳнатни қўллашнинг амалдаги минтақаларини замонавий техника ва технология билан таъминлаш, модернизациялаш ва қайтадан таъмирлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги ерларни ўзлаштириш, қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолиятларининг кўламларини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқалар киради. Айнан шундай кездегина ишчи кучи таклифига ва қишлоқ ҳўжалиги иш жойларига эҳтиёжни **пасайтирувчи омиллар** вужудга келиши учун шарт-шароитлар яратилади ва буларга шахсий ёрдамчи

хўжалик, якка меҳнат фаолияти, хусусий тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилишнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш, бандликнинг эгилувчан ва ностандарт шаклларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг бозор услубларини татбиқ этиш, инфляция ва ишсизликни камайтириш, маҳаллий ходимларнинг сафарбарлиги (мобиллиги) ва малакасини ошириш ва бошқалар таъсир қила бошлайди.

Шунингдек, мулкчиликнинг ижара ва хусусий шаклларини ривожлантириш, тўлов қобилиятига эга бўлмаган ёки экологик зарarli корхоналарни тугатиш, янги ерларни ўзлаштириш кўламларини қисқартириш, моддий - техник ва молиявий ресурслар сарфланишини камайтириш, жадал технологияни татбиқ этиш, юқори унумли техникани қўллаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва бошқа қатор омиллар ҳам ишчи кучига талабнинг пасайишига беvosита таъсир этади.

Қишлоқ меҳнаткашларининг малакаси, маълумоти, сафарбарлиги ва экспорт қобилиятларининг паст даражаси, меҳнат ресурслари сонининг иш жойлари миқдорига нисбатан кўпроқ ўсиши, ходимларнинг ишдан бўшаш суръати, айниқса қишлоқ хўжалиги корхоналарида ошиши, меҳнатни қўллаш минтақаларининг етишмаслиги ва бошқалар ишчи кучи таклифини оширади.

Бундан ташқари, ишга жойлашишни хоҳловчи ва аллақачон ёлланган ходим ҳамда иш берувчи сифатида банд бўлган меҳнатга қобилиятли аҳолининг сони, аҳоли табиий ва механик ҳаракати, ёлланма меҳнатни ташкил қилишнинг турли шакллари, яшаш учун зарурий маблағ жамғармалари билан ёлланган ходимларнинг пул даромадлари ўртасидаги нисбатлар, кўп болалик аёллар, меҳнатга қобилиятли пенсионерлар ва ногиронлар меҳнати рағбатланишига таъсир этувчи меҳнат ва ижтимоий нафақалар, малакасини оширишга зарурият сезувчи шахсларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминловчи давлат, корхоналар ва оилаларнинг молиявий имкониятлари, меҳнат бозорида талабга эга, лекин ёлланмасдан шахсий ёрдамчи ва уй хўжаликларининг юмушлари билан шуғулланувчилар сони, қуроли кучлар хизматчиларининг сони ва улардаги хизматнинг давомийлиги ҳамда муқобил ва профессионал (касбий) хизматларни яхши йўлга қўйиш ва ҳ.к. омиллар ҳам мавжудки, улар ишчи кучи таклифининг шаклланиш миқёсига беvosита таъсир кўрсатади.

**Ишчи кучига талабнинг ўсиши ёки камайиши (динамикаси)** мавжуд бўлган ва янгидан яратилган иш жойлари, инвестиция салоҳияти ва уни такрор ишлаб чиқаришнинг тузилиши, иқтисодийдаги таркибий ўзгаришлар, мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келтириш, корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий ночорлиги (банкротлиги) ва бошқа миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгариши билан аниқланади.

Ўзбекистон шароитида меҳнат қўлланадиган қишлоқ хўжалиги бўлмаган тармоқларнинг ривожланмаганлиги, меҳнат ҳақи истеъмоли даражасининг пастлиги, истеъмол молларининг қимматлашуви, ёлланган ходимлар малакаси ва сафарбарлигининг пастлиги, тадбиркорларда тажриба ва кўникмаларнинг етишмаслиги каби қатор **чекловчилар** ҳам мавжудки, улар ҚМБининг шаклланишига тўсиқ бўлади.

Диссертацияда таъкидланадики, ҚМБини тартибга солишда бандлик хизмати бўйича давлат идораларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари етарли қамровга эга эмас. Шу боис аҳолининг бандлиги билан шуғулланувчи хусусий фирмалар, кичик корхоналар, меҳнат биржалари ва хорижий марказларни изчил ташкил этиш зарур.

Банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини ишга жойлаштиришни яхшилашда хусусий ва жамоа меҳнат шартномаларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Улар ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни тартибга солишнинг асосий механизмларидан ҳисобланади. Шу билан бирга, фикримизча, республикамиз ҚМБдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда унинг **ҳудудий услубларини** қўллаш катта ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандарё, Бухоро ва Хоразм вилоятларида ҚМБда ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш ҳудудий услублар билан тартибга солиниши керак. Хусусан, меҳнат ресурслари етишмайдиган Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоқистон Республикасида мазкур бозорни тартибга солишда **ишчи кучига талабни камайтириш ва унинг таклифини оширишнинг ҳудудий услублари** қўлланилиши лозим. Улар ҚМБини тартибга солишнинг жамоа ва хусусий услублари билан биргаликда аҳолининг оқилона бандлиги шаклланишига, ишсизларнинг ишга жойлашиши кўпайиши ва малакаси ошишига, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишга ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга қўмаклашади. Шу билан бирга улар ходимларнинг аксарият қисмини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторидаги ишдан озод этиб, қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат<sup>1</sup> ва шахсий меҳнат секторларига ўтиб ишлашларига бевосита таъсир этади.

Диссертацияда таъкидланадики, аҳолининг оқилона бандлиги **ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради.**

▲ Аммо, ҳозирги вақтда мулкни хусусийлаштириш самарадорлигининг пастлиги, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг суст-

<sup>1</sup> Сифат секторининг таркибига таълим, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш тармоқлари киради.

лиги, ходимларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан секинлик билан озод бўлиши, меҳнат ҳақи пировард натижалардан ажралиб қолиши, иш жойларининг паст сифатли моддий-техник таъминоти, ишчи кучи таклифининг унга бўлган талабдан анча ошиб кетиши (1-жадвалга қаранг), меҳнатга лаёқатли ўсмирлар, кўп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар фаолиятининг етарлича моддий рағбатлантирилмаслиги, бўш иш жойлари ва лавозимлар мавжудлиги ҳақидаги ишончи ахборотларнинг камлиги, меҳнат бозорини тартибга солиш механизмларининг етарлича такомиллашмаганлиги ва бошқа қатор муҳим сабаблар ҳам мавжудки, улар қишлоқ жойларида бундай бандлик шаклланишига салбий таъсир этмоқда.

Бундай ҳолатлар меҳнат ресурслари сони иш жойлари миқдоридан кўп ўсиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишчи кучига эҳтиёжнинг камайиши, саноат меҳнатини қўллаш минтақаларининг кискариши, бозор хўжалигини юритиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг тежамкор услубларини самарасиз қўллаш каби сабаблар туфайли вужудга келди.

1-жадвал

**Самарқанд вилоятининг қишлоқ  
меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф, %<sup>1</sup>**

КЎРСАТКИЧЛАР	1995й.	1996й.	1995-1996 йилларда ўзгариш
Ишчи кучи таклифи	66,8	67,2	+0,4
Ишчи кучига талаб	33,2	32,8	-0,4
Ишчи кучи таклифининг унга бўлган талабдан ортиб кетиши (марталарда)	2,0	2,1	+0,1

<sup>1</sup>) Жадвал муаллиф ҳисоблари асосида тузилган

Республикамызда ҚМБи шаклланишининг ечилиши лозим бўлган асосий муаммолари - ишчи кучига бўлган талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан ортиқча ходимлар озод қилинишини тезлаштириш, иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг малакаси, рақобат қобилияти ва сафарбарлигини ошириш ҳамда унинг кучли ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш. Бу муаммоларни иқтисодиётда таркибий ўзгаришларга эришиш, меҳнатни қўллашнинг қишлоқ хўжалиги бўлмаган минтақаларини кенгайтириш, ёлланма ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ўстириш ва қишлоқ ўкув

юртлари ҳамда бандлик хизматларининг фаолиятларини яхшилаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

Шундай қилиб, қишлоқ меҳнат бозори ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги бозор мувозанатига, аҳолининг оқилона бандлигига, ишсизликнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган даражасига, мулкчиликнинг турли хил шакллари ташкил этилишига, иқтисодиётдаги таркибий ислохотларга, бандлик тури ва иш жойларини эркин танлашга, меҳнат сафарбарлигининг ҳар қандай маъмурий чекланишлари бекор қилинишига, меҳнат ҳақидаги қонунларга мувофиқ ишга жойлашиш кафолати таъминланишига, минимал иш ҳақи даражасини энг кам истеъмол бюджети миқдоригача оширишга ва меҳнат даромадларидан олинадиган солиқлар камайишига эришилган шароитларда самарали шаклланади ва ривожланади.

**Қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори фойятининг комплекс таҳлили ва истиқболини белгилашнинг методологик асослари**

Меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси бандлигини комплекс таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш усуллари орасида меҳнат сарфларининг ТАБи етакчи ўрин эгаллайди. Шу боис диссертацияда мазкур балансларни тузиш методологияси миллий ҳисоблар тизимини халқаро стандартга ўтказиш давлат дастури асосида яратилди. У қишлоқ ҳудуди иқтисодиётининг барча секторларида ва тармоқларида ҳисобот ва истиқболи белгиланаётган даврларда жонли ва буюмлаштирилган меҳнат сарфлари ёрдамида аҳоли бандлигининг тўғри ва тўлиқ коэффициентларини аниқлашга имкон беради. Бу баланслар ишчи кучига талаб вужудга келишининг макроиқтисодий кўрсаткичларини, иш жойлари билан меҳнат ресурсларининг оқилона мутаносиблигини, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанати ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни чуқур асослашга ёрдам беради. Улар аҳолининг иш билан бандлик, қишлоқ меҳнат ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш даражасини тўғри баҳолашга олиб келади ҳамда ҚМБнинг эконометрик моделлари комплекси ахборотлар билан таъминланишини яхшилайди.

Диссертант ишлаб чиққан методология бўйича меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг бандлиги секторлардаги меҳнат сарфларининг ТАБи тўртта бўлимдан иборат. Биринчи бўлим олти бўлимчалардан ташкил топган бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат, шахсий меҳнат секторларидаги ва қишлоқ ҳудуди таркибига кирмаган халқ хўжалиги тармоқларидаги буюмлашган меҳнат сарфларини ифодалайди. Балансининг бу бўлимчалари горизонтал устунлар бўйича буюмлаштирилган меҳнат сарфлари секторлараро ва тармоқлараро тақсимланишини, вертикал қаторлар бўйича эса уларнинг истеъмо-

лини акс эттиради.

**Иккинчи бўлим** меҳнат кўринишидаги якуний маҳсулотни, **учинчи бўлим** эса ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг жонли меҳнат сарфларини изоҳлайди.

**Тўртинчи бўлим** қишлоқ ижтимоий инфраструктураси тармоқларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини ифодалайди.

Тадқиқ қилинаётган ҳудуд меҳнат сарфларининг ҳисобот ТАБини ишлаб чиқиш – мураккаб ва сермеҳнат жараён. Мазкур балансни тузишда халқ хўжалиги баланси кўрсаткичлари тизимини Ўзбекистон Республика махсус Давлат дастури асосида халқаро стандартга ўтказишнинг биринчи босқичи вазифаларига асосланган кўп босқичли статистик, иқтисодий-математик ва ташкилий ишларни амалга ошириш лозим. Бундай ишлар мазкур балансни ишлаб чиқиш зарурлигини асослаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг ТАБини тузиш, меҳнат сарфлари ва аҳоли бандлигининг тўғри ва тўлиқ коэффициентларини ҳисоблаб чиқиш, меҳнат сарфларининг ТАБини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган баланснинг мувофиқлаштирилганлигини текшириш, буюмлаштирилган ва жонли меҳнат сарфлари ўртасидаги нисбатларни яхшилаш йўли билан аҳоли бандлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш орқали босқичма-босқич бажарилади.

Меҳнат сарфларининг истиқбол ТАБини тузишда ҳам юқорида қайд этилган босқичларга асосланилади. Бундай баланс маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг истиқбол ТАБи ва жонли меҳнат сарфларининг тўғри коэффициентлари ҳақидаги ахборотлар ёрдамида тузилади. Шунингдек, бу жараёнда меҳнат сарфларининг ҳисобот ТАБи маълумотларидан, меҳнат, моддий ва молия ресурсларининг сарфланиши бўйича нормативлардан, қишлоқ ҳудуди ривожланишининг макроиқтисодий ва демосоциал кўрсаткичларидан ва ишчи кучига талаб ва таклифнинг истиқбол миқдорларидан кенг фойдаланилади.

Меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси иш билан бандлиги истиқболлини белгилашнинг турли услублари (ёndoшишлари) мавжуд. Лекин, улар аҳоли бандлигининг марказлашган бошқариш (режалаштириш) шароитларидан келиб чиқади. Муаллиф таклиф қилган қишлоқ ишчи кучига талаб ва таклиф истиқболлини белгилашнинг методологияси эса ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг хусусиятларини ва қонуниятларини тўла ҳисобга олади.

Мазкур методология асосини яқин келажакдаги ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг ўсиши ёки камайишини (динамикасини) тадқиқ қилиш усуллари мажмуаси ташкил қилади. У истиқболлини белгилаш бўйича тадқиқ қилинаётган жараённинг мақсади, вазифа-

лари, асосий муаммолари ва мезонларини аниқлаш, қишлоқ ҳудуди ривожланишининг асосий макроиқтисодий ва демосоциал кўрсаткичлари истиқболини белгилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш секторларининг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида бандлик истиқболини белгилашнинг имкониятларини тадқиқ қилиш, хизмат ва сифат секторларининг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида бандликнинг ривожланиш истиқболларини белгилаш, маҳаллий кадрларни янги касбга ўргатиш ва малакасини ошириш муаммоларини ҳал қилиш, хизмат ва сифат секторларининг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талаб истиқболини аниқлаш, шахсий меҳнат сектори тармоқларида банд бўлганларнинг келажақдаги сонини аниқлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва саноат қайта ишлаш секторларининг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талабни истиқболлаштириш, шахсий меҳнат секториди ишчи кучига талабнинг истиқбол миқдорини аниқлаш, барча секторлардаги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларнинг истиқбол кўрсаткичларини белгилашдек ўзаро боғлиқ блоклар орқали аниқланади.

Ушбу методология меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси бандлиги ва ишчи кучига талаб ва таклифнинг яқин келажақдаги ҳолатларини ҳамда улар ўртасидаги фарқларни тўғри аниқлашга ва маҳаллий кадрларни янги касбга ўргатиш ва малакасини ошириш истиқболларини белгилашга имкон беради. Бундан ташқари, ушбу методологиядан фойдаланиш ҚМБи фаолиятининг мақсадли комплекс дастурининг ажбортлар билан таъминланиш даражасини яхшилашга олиб келади.

ҚМБининг келажақдаги фаолияти бўйича муҳим тадбирларни асослашнинг асосий воситаларидан бири - **мақсадли комплекс дастурлаш** ҳисобланади. Лекин, у методологик нуқтаи назаридан кам тадқиқ қилинган. Шунинг учун диссертацияда **ҚМБи фаолиятининг мақсадли комплекс дастурини тузиш методологияси батафсил ифодаланган**. У аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секториди ишчи кучига талаб ва таклифни камайтириш, қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида жонли меҳнат ва иш жойларига ўсиб бораётган эҳтиёжни қаноатлантириш, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш, ишсизликни нормал (табiiй) даражасига қадар камайтириш, профессионал ходимларни шакллантириш, бандлик хизмати инфраструктурасини самарали ривожлантириш, банд бўлмаган шахсларни ишончли ижтимоий ҳимоялаш ва ходимларни ёллашни тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича қисқа ва узок муддатли тадбирларни ишлаб чиқишга имкон беради. Ушбу дастур бандликнинг давлат сиёсати, инфляция ва ишсизлик, банд-

лик ва инвестициялар киритишнинг фаоллиги, иш жойлари ва меҳнат ресурслари каби макроиқтисодий нисбатлар билан боғланган ҳолда ишлаб чиқилади.

Диссертант таклиф этилган мазкур дастур ўзаро боғлиқ таҳлиллар ва муамолар, мақсадлар, илмий услублар, ахборотлар, моделлар ва ҳисоблаш техникалари, дастурчалар, ресурслар, ташкилий - иқтисодий, йиғма ва ҳуқуқий бўлимлардан ташкил топган. Унинг таркибидаги ҚМБи фаолиятининг «мақсадлар дарахти» асосида шаклланган мақсадлар бўлими етакчи ўринни эгаллайди. У қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторига ишчи кучига талаб ва таклифни камайтириш, қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида янги иш жойлари яратишни кўпайтириш йўли билан ишсизликни кескин камайтириш, мазкур бозор фаолиятини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлари самарадорлиги ошишини таъминлаш каби мақсадларнинг кетма-кетлигидан ташкил топади.

Ушбу дастур тадбирлари бажарилишини бандликка кўмаклашиш, бизнес-фонд ва «Қамолот» жамғармаларининг маблағлари, маҳаллий бошқарув идораларининг бюджет тушумлари, манфаатдор корхоналар, меҳнат биржалари ва тадбиркорларнинг даромадлари ҳамда касаба уюшмаларининг бадаллари ҳисобидан молиявий ресурслар билан таъминлаш мумкин.

#### **Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини комплекс эконометрик моделлаштириш**

ҚМБи шаклланиши ва ривожланишининг барча шарт-шароитлари ва омилларини биргаликда ва ўзаро ҳамкорликда тадқиқ қилиш зарурияти муаллиф томонидан комплекс эконометрик моделлаштириш методологиясини яратишга олиб келади. Бу методология бўйича моделлаштириш босқичма-босқич амалга оширилади.

Биринчи босқичда ҚМБи фаолиятининг «мақсадли дарахти» ёрдамида асосий мақсад ва эконометрик тадқиқотнинг ҳал қилувчи муаммовий вазифалари рўйхати аниқланади. Комплекс эконометрик моделлаштиришнинг асосий мақсади - ҚМБи шаклланидиган ва ривожланидиган шароитларда қишлоқ аҳолиси моддий фаровонлигини оширишнинг рационал параметрларини (ўлчамларини) аниқлашдир ( $Z_0$ ). Асосий муаммовий вазифаларга эса қуйидагилар тааллуқли: ишчи кучи таклифи шаклланишининг демосоциал манбаларини ўрганиш ( $z_{01} \in Z_0$ ); ишчи кучи таклифи кўламларини баҳолаш ( $z_{02} \in Z_0$ ); ишчи кучига талабни вужудга келтирувчи макроиқтисодий кўрсаткичларни топиш ( $z_{03} \in Z_0$ ); ишчи


кучига талаб миқдорини аниқлаш ( $z_{04} \in Z_0$ ); ишчи кучига талаб ва таклиф ижтимоий-иқтисодий тартибга солинишини ўрганиш ( $z_{05} \in Z_0$ ); аҳолининг оқилона бандлиги шаклланишини тадқиқ этиш ( $z_{06} \in Z_0$ ); жонли ва буюмлаштирилган меҳнат сарфлари ўртасидаги нисбатларни аниқлаш ( $z_{07} \in Z_0$ ); ишсизлик ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш ( $z_{08} \in Z_0$ ).

**Иккинчи босқичда** эконометрик моделларнинг турлари танланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, асосий мақсадга ( $Z_0$ ) эришишнинг рационал параметрларини аниқлашда энг яхши математик аппарат - имитацион моделлар,  $z_{01}$  ва  $z_{03}$  - иқтисодий-статистик,  $z_{02}$  ва  $z_{04}$  - баланс,  $z_{05}$  ва  $z_{06}$  - оптимизацион,  $z_{07}$  - тармоқларо ва  $z_{08}$  - кўп омиллик моделлардир.

**Учинчи босқичда** эконометрик моделларнинг комплекси тузилади ва уларнинг ўзаро алоқадорликлари текширилади. Унинг таркибига қуйидагилар киради: ишчи кучи таклифи шаклланишининг демосоциал манбалари (DEMOSOC) ва ишчи кучига талаб вужудга келишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари (IQTISOD) иқтисодий-статистик моделлари; меҳнат сарфларининг ТАБи моделлари (ТАВ-М); ишчи кучига талаб ва таклифнинг баланс моделлари (ТАЛАВ ва ТАКЛИФ); ишчи кучига талаб ва таклифни ижтимоий-иқтисодий тартибга солиш (ТАРТИВ) ва аҳоли оқилона бандлигини шакллантиришнинг (О-BAND) оптимизацион моделлари; ишсизлик ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболни белгилашнинг кўп омилли моделлари (ISHSIZ); ҚМБи ривожланишининг имитацион моделлари (QMB-R) (расмга қаранг). DEMOSOC, IQTISOD, ТАВ-М, ТАЛАВ, ТАКЛИФ, ТАРТИВ, О-BAND ва ISHSIZ моделлари ёрдамида ҚМБи шаклланишининг эконометрик моделлари комплекси (QMB-SH) вужудга келади.

**DEMOSOC** моделлари ишчи кучи таклифи шаклланишининг асосий демосоциал манбаларини аниқлаш учун мўлжалланган. Улар учта блокдан ташкил топган: **демографик** - қишлоқ аҳолисининг сони, жинси ва ёшини таркибан ҳисоблаб чиқиш учун; **маълумот-меҳнатга қобилиятли қишлоқ аҳолисининг малакавий-маълумот таркибини аниқлаш** учун; **меҳнат ресурсларининг баланси** - меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз ёшдаги қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги бандлигини баҳолаш, таклиф этилган ишчи кучини халқ хўжалигининг секторлари ва тармоқлари бўйича тақсимлаш ва ўзгарувчан кўчиб келиш-кегиш сальдосини аниқлаш.

▲ **IQTISOD** моделлари ёрдамида асосий ишлаб чиқариш фондларининг миқдори ва таркиби, мавжуд ва янгидан яратилган иш жойларининг сони ва қиймати ҳамда жалб қилинган инвестицияларнинг ҳажми аниқланади. Уларнинг барчаси ялпи ички маҳсулот



Расм. Қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишнинг комплекс  
эконометрик моделлари ахборотларининг ўзаро алоқадорлиги схемаси

билан биргаликда ишчи кучига талабни вужудга келтирувчи макроиктисодий кўрсаткичларни ифодалайди.

**TAB-M** моделларини татбиқ этиш ёрдамида ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми ва меҳнат сарфлари ҳамда аҳоли бандлигининг тўғри ва тўлиқ коэффициентлари аниқланади.

**TALAB** моделлари иш берувчиларнинг жонли меҳнатга асосий ва қўшимча талабларини, **TAKLIF** моделлари эса ишчи кучининг жинси, ёши, маълумоти, касби, даромади, иш билан банд эмаслик сабаблари ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси бўйича таклифлар миқдорини аниқлайди.

**TARTIB** моделлари ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги энг кам фарқнинг вариантларини аниқлаш учун мўлжалланган. У иккита йўналишда - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторларида ишчи кучига талаб ва таклифнинг камайиши ва қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида уларнинг ошиши бўйича аниқланади. Иккала йўналиш ҳам иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий механизмлар асосида тартибга солинади.

ҚМБи шаклланишининг эконометрик моделлари комплекси орасида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига кўра, **O-BAND** модели етакчи ўрин эгаллайди. Унда иш билан банд ва банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг даромадларини максималлаштириш оптимал мезон сифатида қўлланади:

$$\sum_{j=1}^J \sum_{\beta=16}^{\Psi} \left( d_{\Psi\beta}^s(t) Y_{\Psi\beta}^s(t) + \hat{d}_{\Psi\beta}^s(t) \hat{Y}_{\Psi\beta}^s(t) \right) \rightarrow \max, \quad s = \overline{1,5}, \quad (1)$$

бу ерда  $d_{\Psi\beta}^s(t)$  -  $t$  йилида қишлоқ ҳудудининг  $s$  сектори  $j$  тармоғида банд бўлган  $\beta$  ёшидаги бир ходимнинг  $\Psi$  туридаги даромади ҳажми, минг сўмда,  $\hat{d}_{\Psi\beta}^s(t)$  - ишлашни хоҳловчи, лекин иш билан банд бўлмаган бир киши даромадининг (нафақасининг) ҳажми, минг сўмда.

Қидирилаётган номаълум миқдорлар:

$Y_{\Psi\beta}^s(t)$  - иш билан банд бўлган ишчи кучининг сони, минг киши;

$\hat{Y}_{\Psi\beta}^s(t)$  - ишга жойлашишни хоҳловчи банд бўлмаган кишилар сони, минг киши.

Қуйидаги асосий шартлар ва чекловчилар мавжуд бўлганда:

1. Иш билан банд бўлган ишчи кучининг таклифи мавжуд иш жойларида унга бўлган талабни ( $ПП'_j(t)$ ) қаноатлантириши лозим:

$$\sum_{j=1}^J \sum_{\Psi=1}^{\Psi} I_{\Psi\beta}^s(t) Y_{\Psi\beta}^s(t) = ПП'_j(t) \quad (2)$$

бу ерда  $I_{\Psi\beta}^s(t)$  - тўғри бандлик коэффициенти.

2. Янги яратилган иш жойларининг ишчи кучига талаби ишга жойлашишни хоҳловчи меҳнатга лаёқатли банд бўлмаган аҳолининг таклифи ҳисобидан ( $TK'_\beta(t)$ ) қондирилиши лозим:

$$\sum_{j=1}^J \sum_{\psi=1}^{\Psi} n_{\psi\beta}^s(t) Y_{\psi\beta}^s(t) = TK_{\beta}^s(t) \quad (3)$$

бу ерда  $n_{\psi\beta}^s(t)$  - янги яратилган бир иш жойига мўлжалланган ишловчилар сонининг нормаларини ифодаловчи коэффициент.

3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторидан озод бўлган ходимлар сони қайта ишлаш саноати ва хизмат секторидаги ишчи кучига қўшимча талабларни  $(TL_{\kappa\psi\omega_j}^{II}(t))$  ва  $(TL_{\kappa\psi\omega_j}^{III}(t))$  қондириши даркор:

$$\sum_{\beta=18}^{39} \sum_{\psi=1}^{\Psi} \hat{v}_{\psi\beta}^s(t) \hat{Y}_{\psi\beta}^s(t) = (TL_{\kappa\psi\omega_j}^{II}(t) + TL_{\kappa\psi\omega_j}^{III}(t)), \quad (4)$$

бу ерда  $\hat{v}_{\psi\beta}^s(t)$  - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторидан озод бўлган ходимларни акс эттирувчи коэффициент.

4. Иш билан банд бўлган ходимларни қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторлари ўртасида қайта тақсимлаш:

$$\sum_{\beta=18}^{59} \sum_{\psi=1}^{\Psi} g_{\psi\beta}^s(t) \hat{Y}_{\psi\beta}^s(t) = G_s^s(t), s = \overline{2,5}, \quad (5)$$

бу ерда  $g_{\psi\beta}^s(t)$  - иш жойларини ўзгартиришни хоҳловчи иш билан банд бўлган ходимлар улушини ифодаловчи коэффициент.

$G_s^s(t)$  - иш жойларини ўзгартиришни хоҳловчи иш билан банд бўлган ходимлар сони, минг киши.

5. Иш билан банд бўлмаган, лекин ишга жойлашиш истагидаги меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисини қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторлари бўйича тақсимлаш:

$$\sum_{\beta=16}^{70} \sum_{\psi=1}^{\Psi} \hat{q}_{\psi\beta}^s(t) \hat{Y}_{\psi\beta}^s(t) = TL_{\kappa\psi\omega_j}^s(t), s = \overline{2,5} \quad (6)$$

бу ерда  $\hat{q}_{\psi\beta}^s(t)$  - иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг улушини ифодаловчи коэффициент.

6. Давлат бюджети  $(B_{\text{мо}_j}^s(t))$ , корхоналарнинг соф даромадлари (фойдалари)  $(\Phi_{\text{мо}_j}^s(t))$  ва шахсий жамғармалар  $(\Pi_{\text{мо}_j}^s(t))$  ҳисобидан иш билан банд ишловчилар малакасини оширишни молиявий маблағлар билан таъминлаш:

$$\sum_{\beta=18}^{39} \sum_{\gamma=5}^7 \sum_{\psi=1}^{\Psi} o_{\text{мо}_\gamma}^s(t) Y_{\gamma\psi}^s(t) = (B_{\text{мо}_j}^s(t) + \Phi_{\text{мо}_j}^s(t) + \Pi_{\text{мо}_j}^s(t)), \quad (7)$$

бу ерда  $o_{\text{мо}_\gamma}^s(t)$  - малакасини оширишни истовчи иш билан банд бир ходимни ўқитиш учун харажатлар, минг сўм.

7. Бандликка кўмаклашиш жамғармаси  $(\mathcal{K}_{\kappa\psi\omega_j}^s(t))$  ва шахслар  $(\Pi_{\kappa\psi\omega_j}^s(t))$  маблағлари ҳисобидан ишга жойлашиш истагидаги ишсизларни қайта ўқитишни ташкил этиш:

$$\sum_{\beta=1}^5 \sum_{\gamma=5}^7 \sum_{\psi=1}^{\Psi} \hat{\delta}^s_{\kappa\tilde{y}u_{\nu\beta j}}(t) Y_{\nu\beta j}^s(t) = (\mathcal{J}^s_{\kappa\tilde{y}u_{\nu\beta j}}(t) + \mathcal{I}^s_{\kappa\tilde{y}u_{\nu\beta j}}(t)), \quad (8)$$

бу ерда  $\hat{\delta}^s_{\kappa\tilde{y}u_{\nu\beta j}}(t)$  - ишга жойлашиш истагидаги бир ишсизни қайта ўқитиш учун харажатлар, минг сўм.

8. Иш билан банд ва ишга жойлашишни истовчи нобанд аҳолининг моддий манфаатдорлигини қаноатлантириш:

$$\sum_{\beta=1}^{70} \sum_{j=1}^4 \sum_{\psi=1}^{\Psi} (\hat{x}^s_{\nu\beta j}(t) Y_{\nu\beta j}^s(t) + \hat{z}^s_{\nu\beta j}(t) \hat{Y}^s_{\nu\beta j}(t)) = \hat{B}(t) \quad (9)$$

бу ерда  $\hat{x}^s_{\nu\beta j}(t)$  ва  $\hat{z}^s_{\nu\beta j}(t)$  - иш билан банд ва банд бўлмаган бир кишининг ўртача йиллик иш ҳақи (даромади), минг сўм;  $\hat{B}(t)$  - аҳоли жон бошига тўғри келадиган минимал истеъмол бюджетининг ҳажми, минг сўм.

Бундан ташқари ушбу моделда қишлоқ хўжалиги ишлари кўпайган даврда мавсумий меҳнат харажатларини камайтириш, ўсмирлар, кўп болалик аёллар ва меҳнатга қобилиятли пенсионерлар ва ногиронларнинг бандлигини (меҳнатда иштирокини) ошириш ва номаълум миқдорларнинг манфий эмаслиги бўйича шартлар ва чекловчилар ҳам мавжуд.

**O-BAND** модели иқтисодиёт секторларида банд бўлган ва ишга жойлашишни хоҳловчи бандмас ишчи кучининг оқилона миқдори ва тузилишини аниқлашга имкон беради. Бу ишсизликни камайтириш учун асосий шарт-шароитлардан бири ҳисобланади.

**ISHSIZ** моделлари қишлоқ ишсизлигининг яширин, мавсумий, технологик ва таркибий шакллари ҳолатини, унинг умумий сони, салмоғи ва табиий даражасини таҳлил қилиш ва истиқболлини белгилаш учун мўлжалланган. Бу ерда кўп омилли моделлар ёрдамида асосий иқтисодий, ижтимоий ва демографик омилларни қишлоқ ишсизлигининг ўсишига ёки камайишига таъсирини аниқлаш мумкин.

**ҚМБи** ривожланишининг имитацион моделлари комплексини (**QMB-R**) тузишдан асосий мақсад аҳоли моддий фаровонлигини оширишнинг энг қулай вариантларини (сценарияларини) топишдан иборат. Улар унинг қуйидаги моделлар блокларини татбиқ этиш йўли билан аниқланади: ҚМБи ижтимоий-иқтисодий тузилишининг ривожланиши; ишчи кучи таклифини шакллантириш; ишчи кучига талабни вужудга келтириш; ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасида раціонал нисбатларга эришиш; мазкур бозор инфраструктурасини ривожлантириш.

**Тўртинчи босқичда** ҚМБи шаклланиши ва ривожланишининг эконометрик моделлари комплексини **ечиш усуллари** - чизиқли, чизиқсиз ва блокли дастурлаш, машинада имитация қилиш, корреляцион-регрессион таҳлил ва бошқа усуллар аниқланади. Масаланинг берилиши, мазмуни ва унга мос моделнинг математик

ифодаланишини ҳисобга олган ҳолда ечиш усулларида бири танланади.

Моделлаштиришнинг ушбу босқичида қайд этилган моделларни машина тилига ўтказиш учун махсус алгоритмлар тузилади ва TSP, LP/88 (АҚШ) ва RUSSIA (РФ) амалий дастурлари пакетлари ва муаллиф яратган BOZOR-M1 ва BOZOR-M2 дастурларидан фойдаланиш имкониятлари аниқланади.

**Бешинчи босқичда** ҚМБининг эконометрик моделлари комплексини татбиқ этиш учун мўлжалланган ахборотлар йиғилади, улар таҳлил қилинади ва баҳоланади. Бу жараён ахборотлар билан таъминлашни яхшилаш муаммоси меҳнат сарфларининг ТАБи ва статистик ҳисоботининг янги формаларини ишлаб чиқиш ҳамда махсус кадрлар маркетинги ва аниқ социологик тадқиқотлар ўтказиш йўли билан муваффақиятли ҳал этилиши мумкин.

**Статистик ҳисоботнинг** диссертант таклиф қилган янги формалари ёрдамида маълумотларни йиғиш ишлаб чиқилган эконометрик моделлар комплексининг ахборот базасини сезиларли даражада бойитади. Уларнинг татбиқи меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган аҳоли сонини, бўш иш жойлари миқдорини, ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ва нархининг миқёсини, ишга жойлаштириш ҳоҳловчи банд бўлмаганларнинг малакасини ошириш ва қайта ўқитиш ҳолатини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторининг етакчи корхоналаридан қисқартирилган ходимлар сонини, бандликка кўмаклашиш жамғармасини вужудга келтириш манбаларини ва унинг сарфланиш ҳажмларини, ҳисобот ва истиқбол даврларида ҚМБдаги вазиятларнинг ўзгаришини аниқлаш имконини беради.

**Кадрлар маркетинги тадқиқотлари** статистик услубда топиш мураккаб бўлган ишчи кучига талаб ва таклиф миқдорини ҳамда улар ўртасидаги нисбатларни аниқлашда қўлланилади. Бу жараёндаги асосий натижалар TALAB, TAKLIF, TARTIB ва QMB-R моделларининг ахборот таъминотини яхшилайти. Зарурий ахборотлар меҳнат биржаларида янгидан ташкил қилинган кадрлар маркетинг бўлими ходимлари томонидан муаллиф таклиф қилган методика асосида таҳлил ва синтез этилади. Улар кадрлар маркетинги тадқиқотларини мақсадлар, муҳим муаммолар ва асосий вазифаларни аниқлаш, меҳнат бозори конъюктурасининг асосий элементлари бўйича ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги номуаносибликни аниқлаш, ишсизлик кўламлари ва сабабларини аниқлаш, ишсизликни камайтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш, зарурий мутахассислик ва касбларнинг ҳажмлари ва тузилишини аниқлаш, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни мувофиқлаштириш, ҚМБининг асосий элементлари ва маркетинг

муҳити бўйича кўп вариантли истиқболни белгилаш, реклама агентлигининг маҳсулотларини ишлаб чиқиш, жойлаштириш, сотиш ва меҳнат биржаси кадрлар маркетинги фаолиятининг стратегик режаларини тузишга мўлжалланган босқичлар асосида ўтказадилар.

**Аниқ социологик тадқиқотларнинг** диссертант таклиф қилган **методикасини** татбиқ этиш натижасида ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ўзаро ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ишсизлик сабаблари (ҳолатлари) ҳақида ахборотлар тўпланади ва таҳлил қилинади. Улар O-BAND, ISHSIZ ва QMB-R моделларининг ахборот таъминотини бойитади.

Социологик ахборотларнинг шаклланиши ва уларнинг тузилган эконометрик моделлар комплексини татбиқ этишда қўлланиши аниқ социологик тадқиқотлар (АСТ) нинг мақсади, асосий вазибалари, предмети ва объектини аниқлаш, анкета саволларини тузиш, саволларга жавобларни кодлаштириш, АСТ объектларини танлаш услубларини аниқлаш, танланган объектлар ривожланишининг демосоциал ва иқтисодий кўрсаткичлари билан танишиш, респондентларни танлаш, сўровчилар, иқтисодчилар, социологлар ва программистларни танлаш ва ўқитиш, социологик дастурни ишлаб чиқиш, респондентларни сўраш ва тўлдирилган анкеталарнинг тўғрилигини текшириш, анкетанинг дастлабки маълумотларини BOZOR-M1 ва BOZOR-M2 дастурлари асосида компьютерда қайта ишлаб чиқиш, ҳосил қилинган социологик ахборотлар асосида илмий ҳисобот тузиш ва уларни тегишли моделлар татбиқида қўллашга йўналтирилган босқичлар бўйича амалга оширилади.

**Олтинчи босқичда** эконометрик моделлар комплексининг TSP, LP/88 ва RUSSIA амалий дастурлар пакетлари ва ишончли ахборотлар асосида компьютер татбиқи ўтказилади.

Моделлаштиришнинг яқунловчи **босқичида** ҳосил қилинган (компьютер) натижаларни иқтисодий-математик баҳолаш амалга оширилиб, уларнинг ишончилиги текширилади ва тадқиқ қилинаётган ҳудуд ҚМБи шаклланиши ва ривожланишининг рационал параметрлари аниқланади.

### **Самарқанд вилояти қишлоқ меҳнат бозори яқин келажакда шаклланишининг рационал параметрлари (ўлчамлари)**

Самарқанд вилоятида ҚМБи шаклланишининг рационал параметрларини аниқлаш учун кўп вариантли ҳисоб-китоблар 1996, 2000 ва 2005 йиллар учун ўтказилди. Улар учун ахборотлар базаси бўлиб тадқиқот қилинаётган вилоятнинг меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси бандлиги секторларида меҳнат сарфларининг 1991, 1996 ва 2000 йиллар учун муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ТАБи ва статистик ҳисоботнинг мавжуд ва таклиф қилинган янги формаларининг маълумотлари, ўтказилган аниқ социологик ва

кадрлар маркетинги тадқиқотларининг асосий натижалари ва ўрганилаётган объект ривожланишининг асосий демосоциал ва макроекотисодий кўрсаткичлари хизмат қилди.

Эконометрик моделлар комплексини татбиқ этиш натижасида ишчи кучига талаб ва таклифнинг, аҳоли оқилона бандлиги шаклланишининг ва ишсизлик камайишининг энг мақбул вариантлари аниқланди. Улар ҚМБи шаклланишининг асосий рационал параметрлари ҳисобланади. Булар орасида ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳамда улар орасидаги фарқнинг рационал миқдори ва тузилиши етакчи ўринни эгаллайди (2-жадвалга қаранг).

Учинчи рационал вариант бўйича ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги фарқ миқдори 2,2 минг кишига тенг.

2-жадвал

**2005 йилда Самарқанд вилоятидаги меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг бандлиги секторларида ишчи кучига талаб ва уни таклифнинг рационал миқдори ва тузилиши<sup>1</sup>**

Аҳолининг иш билан бандлиги секторлари	Ишчи кучига талаб		Жами таклиф қилинган ишчи кучи		Шу жумладан			
					банд бўлганлар		банд бўлмаганлар	
	минг киши	%	минг киши	%	минг киши	%	минг киши	%
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши	121,4	23,5	121,8	23,4	114,2	25,8	7,6	9,9
Қайта ишлаш саноати	49,4	9,5	49,9	9,6	41,0	9,2	8,9	11,5
Хизмат	144,2	27,8	144,7	27,8	117,9	26,6	26,8	34,7
Сифат	35,4	6,8	35,0	6,8	32,2	7,2	3,7	4,8
Шахсий меҳнат	168,2	32,4	168,5	32,4	138,3	31,2	30,2	39,1
<b>Жами</b>	<b>518,6</b>	<b>100,0</b>	<b>520,8</b>	<b>100,0</b>	<b>443,6</b>	<b>100,0</b>	<b>77,2</b>	<b>100,0</b>

<sup>1)</sup> Жадвал муаллиф ҳисоблари асосида тузилган

Яқин келажакда бандликнинг барча секторларида ишчи кучига талаб ва таклифни 1,7 ва 2,4 мартага, шу жумладан, қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида 2,2 ва 2,5; 1,5 ва 1,8; 2,7 ва 2,9 ҳамда 1,8 ва 2,1 мартага ошиши мўлжалланмоқда. Аммо, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторларида ишчи кучига талаб ва таклиф 1,2 ва 1,8 мартага камайди.

Бажарилган ҳисоб-китобларнинг амалда қўлланиши ва аҳоли оқилона бандлигининг шаклланиши бўйича ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий тадбирлар ўз вақтида ўтказилиши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат самарали тартибга солинишига бевосита ёрдам беради.

**O-BAND** моделининг татбиқ этилиши мавжуд ва таклиф этилган ишчи кучи бўйича аҳолининг оқилона бандлик миқдори ва тузилишининг яқин келажак учун энг яхши варианты (тўртинчи)ни аниқлашга имкон берди.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши секторидида иш билан банд бўлганларнинг салмоғи 65,8%дан (1996й) 23,1%гача (2005 йилда), мутлақ қийматда эса 33,6 минг кишига камаяди (1996 йилдаги 168,2 минг кишига нисбатан). Кейинги миқдор қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида банд бўлганларнинг сони 40,3; 92,5; 2,7 ва 89,5 минг кишига кўпайишини, уларнинг ушбу секторлардаги салмоғи 6,0; 11,0; 3,4 ва 7,9% га ошишини асослаб беради. Бу қишлоқ хўжалиги иш жойларининг миқдорини 30,3 минг бирликка қисқариши ва улар қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида 27,4; 62,7; 2,1 ва 78,7 минг бирликка кўпайишининг натижасидир.

Тадқиқотдан маълум бўлишича, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожланиши натижасида деҳқон (фермер) ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар, якка меҳнат фаолияти каби шахсий меҳнат секторининг бошқа тармоқларида банд бўлганлар сони 1,9 мартага ортади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, таклиф қилинган ишчи кучининг 39%дан ортиғи ўз иш жойларини бандлигининг айнан шу секторидан топади.

Бундан ташқари, аҳоли оқилона бандлигининг шаклланиши муносабати билан ўсмирлар, кўп болалик аёллар, меҳнатга лаёқатли пенсионерлар ва ногиронларнинг меҳнатда иштироки 36,4; 27,3; 21,6 ва 17,8%га ортади.

Умуман, қишлоқ иқтисодиётининг барча секторларида аҳолининг иш билан бандлиги 50,6 % ёки 191,4 минг кишига, шу жумладан, таклиф қилинган ишчи кучи сони 34,4 минг кишига кўпаяди. Аҳолининг иш билан бандлиги миқдорининг ошиши ва таркибан ўзгариши жалб қилинган маҳаллий (87,2%) ва хорижий (12,8%) инвестициялар ҳисобига 170,9 минг бирликда ноқишлоқ хўжалиги янги иш жойларини яратиш йўли билан таъминланади. Буларнинг ҳаммаси иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган ишчи кучи даромадлари 2,4 ва 1,3 мартага ошишига олиб келади.

Келажакда аҳоли оқилона бандлиги шаклланиши натижасида нафақат ишчи кучининг рационал миқдори ва тузилиши вужудга келади ва унинг даромади максимум ошади, балки ялпи ички

махулот (ЯИМ) ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши учун маълум ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳам яратилади. Натижада иқтисодиётнинг барча секторларида ЯИМ ҳажми 2,3 мартага, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қайта ишлаш саноати, хизмат ва шахсий меҳнат секторларида 1,8; 2,7; 3,3 ва 2,4 мартага ошади. Аммо сифат секторида унинг ҳажми унча кўп бўлмаган миқдорда камаяди (0,2 марта). ЯИМ тузилишида етакчи ўринни ҳамон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш сектори (38,4 %), сўнгра қайта ишлаш саноати (29,3 %), хизмат (17,3 %), шахсий меҳнат (14,7 %) ва сифат (0,3 %) секторлари эгаллайди. Бунга эса яқин келажакда иқтисодиётнинг барча секторларида меҳнат унумдорлигини 1,7 мартага, шу жумладан, қайта ишлаш саноати, хизмат ва шахсий меҳнат секторларида эса 1,8, 1,6 ва 1,5 мартага ошиши тўғрисида эришиш мумкин. Мазкур секторларда меҳнат унумдорлигининг ўсиши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш, инвестициялар жалб қилишни кўпайтириш, асосий ишлаб чиқариш фондлари ва иш вақтидан самарали фойдаланиш ва ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш йўли билан таъминланади.

Таъкидлаш лозимки, аҳоли оқилона бандлигининг шаклланиши ва меҳнат унумдорлигининг ошиши нафақат ишсизликнинг турли шакллари пайдо бўлишига олиб келади, балки уни 1,4 мартага камайтириш учун ҳам маълум шарт-шароитларни яратади. Ишсизликнинг таркибий тузилишида унинг яширин шакли етакчи ўрин эгаллайди (63,2 %). У қишлоқ хўжалигидан ортиқча ходимлар озод бўлиши ва улар меҳнатни татбиқ этишнинг бошқа тармоқларига жалб қилиниши натижасида 1,7 мартага камаяди.

Яқин келажакда ишсизликнинг даражаси ривожланган фарб мамлакатларидагига нисбатан юқорироқ бўлиб қолади. Қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида янги иш жойлари яратилиши ва ишчи кучини шаҳар халқ хўжалиги тармоқларига жалб этилиши ва экспорт қилиниши натижасида ишсизликнинг нормал (табiiй) йўл қўйиладиган даражаси (2,9%) унинг халқаро стандартига (1,5-2,5 %) анча яқинлашади.

### **Ўтиш даври иқтисодиёти шароитларида қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиш концепцияси**

Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган республикаимиз ҚМБи ривожланиши концепциясининг асосий мақсади меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг камайтириши, ишсизликнинг ўсиши, янги иш жойларини яратиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш миқдорининг қисқариши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, инфляция, мулкчиликнинг турли шакллари секинлик билан вужудга келиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг юқори бўлмаган суръати, ҳақиқий меҳнат даромадларининг камайтириши

каби шароитларда ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифни камайтириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Улар ўтиш даврида Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадларига асосланиб ишлаб чиқилади.

Буни ҳисобга олган ҳолда мазкур концепциянинг стратегик мақсадлари деб қуйидагиларни белгилаш мумкин: ижтимоий йўналтирилган қишлоқ меҳнат бозорини босқичма-босқич шакллантириш; меҳнатга лаёқатли банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминловчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш; янги иш жойларини ташкил этишда аҳолининг бандлик даражасини оширишга ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланишга асос бўлувчи чуқур иқтисодий-таркибий ўзгаришларни амалга ошириш; аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш; қайта ишлаш саноати, хизмат, сифат ва шахсий меҳнат секторларида янги иш жойларини яратиш; меҳнатга лаёқатли ўсмирлар, кўп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар учун меҳнатни қўллашнинг квоталаштирилган минтақаларини ташкил қилиш; ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш; мулкчиликнинг ижара, жамоа, ҳиссадорлик ва хусусий шакллари ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш; ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни маҳаллий ва хорижий самарали технология ва техника билан таъминлаш; қишлоқ хўжалигидан озод этилган ходимларни иш билан таъмин этувчи саноат ва ишлаб чиқариш - ижтимоий инфраструктура корхоналарини вужудга келтириш; маҳаллий ходимларнинг малакасини, рақобатбардошлилигини ва чет элга юборилишини амалга ошириш ва уларда иқтисодий, маънавий ва мафкуравий жиҳатдан янги тафаккурни шакллантириш; ҳар бир ишсиз учун ихтиёрий ва мустақил иш жойини танлаш ва унда меҳнат қилиш имкониятларини яратиш; ишсизлик, бандлик ва меҳнат бозоридаги жараёнларни тартибга солувчи иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш.

Мазкур стратегик мақсадларга узлуксиз эришишнинг асосий босқичлари ва вазифалари муаллиф томонидан аниқланиб, диссертацияда батафсил баён қилинган.

Ушбу мақсадларга эришиш учун ишчи кучига бўлган талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш бўйича иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий чора-тадбирларни ҳам адо этиш лозим.

Ишчи кучига бўлган талабнинг ошиши бўйича иқтисодий тадбирлардан энг асосийси халқ хўжалиги тармоқларида таркибий ўзгаришни таъминлашдир. Бунга мулкчилик шакллари

ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш жойларининг моддий-техника, технология ва сармоялар таъминотларини яхшилаш, янги ноқишлоқ хўжалиги меҳнат зоналарини ташкил этиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини кўтариш ва солиқларни оқилона белгилаш орқали эришиш мумкин.

**Муҳим иқтисодий тадбирлар** мажмуасига қайта ишлаш саноти ва хизмат секторлари корхоналарида янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун давлат томонидан имтиёзли кредитлар бериш, ўтиш даврида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноти секторларининг асосий маҳсулотларига давлат буюртмасини белгилаш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва жамоат ишларини маблағ билан таъминлаш киради.

Бу тадбирлардан қўшимча иш жойларини яратувчи кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва жамоат ишларини ташкил қилиш энг кам инвестиция талаб қилади. Маҳаллий бюджет, бандликка қўмаклашиш жамғармаси ва бизнес - фонд маблағлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг шахсий жамғармалари кичик ва ўрта бизнесни ташкил қилишни маблағлар билан таъминлаш манбалари ҳисобланади. Кичик ва ўрта бизнесни ташкил қилувчиларга фоизсиз ёки фоиз ставкаси паст - имтиёзли кредитлар ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотлар кўрсатадики, кичик ва ўрта бизнесни хизмат ва шахсий меҳнат секторларида ташкил қилиш зарур. Чунки бу секторлардаги иш жойларининг қиймати юқори эмас ва уларда ишчи кучи таклифига яхши имкониятлар мавжуд.

Жамоат ишларини ташкил қилиш ва маблағлар билан таъминлашга ёндашиш тартибини ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу мақсадлар учун фақат бандлик хизмати ташкилотларининг маблағлари камлик қилади. Жамоат ишларини маблағлар билан таъминлашнинг махсус жамғармаси ва уни амалга оширишнинг мақсадли комплекс дастурини тузиш зарур.

Турли хил иқтисодий ва ижтимоий имтиёзлар ва квоталаштирилган иш жойларини тақдим этиш йўли билан меҳнатга лаёқатли ёш ва кўп болалик аёллар, ўсмирлар, пенсионерлар ва ногиронлар фаолиятларини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш қишлоқ ишчи кучига талабни оширишнинг муҳим иқтисодий тадбирларидан бири ҳисобланади.

Ёш болани тарбиялаш муддатини узайтириш ва унга ҳақ тўлаш миқдорини доимо ошира бориш аёлларни ихтиёрий равишда меҳнат бозоридан, халқ хўжалигининг бандлик тармоқларидан «тортиб олишга» имкон берар эди. Улар оилавий ишлар билан машғул бўлганликлари сабабли иш жойларида юқори самара бера олмайдилар. Ёш болалик аёлларнинг «сунъий» ишсизлигини ҳал

қилишда уларнинг болага қараш бўйича амалий фаолиятларини моддий рағбатлантириш ва расман тан олиш муҳим чора бўлиши мумкин. Шу мақсадда бандликка кўмаклашиш жамғармасининг **ишсизлик нафақаларига сарфланаётган маблағларини ижтимоий суғурта жамғармасига қайта тақсимлаш** ва уларни ижтимоий тўловлар кўринишида аёлларга бериш лозим.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш саноати ва ижтимоий - ишлаб чиқариш инфраструктураси корхоналарида ва хусусий хўжаликларда квоталаштирилган иш жойлари миқдорини ошириш ҳамда уйда ишлаш кўламини кенгайтириш **кўп болалик аёллар** фаолияти иқтисодий рағбатлантирилишини сезиларли даражада оширади.

**Ёшлар ишсизлиги** муаммосини мактабларда ўсмирларнинг касбий йўналтириш бўйича фаолиятни яхшилаш ҳамда даромад келтирувчи ишларнинг турларини кўпайтириш йўли билан ҳал қилиш мумкин.

**Меҳнатга лаёқатли пенсионерлар ва ногиронлар** учун квоталаштирилган иш жойини ташкил этувчиларга имтиёзли кредитлар бериш ва уларнинг даромадларига пасайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш лозим.

**Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иш ҳақини тартибга солиш бўйича** тадбирлар ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга таъсир этишнинг **умумиқтисодий - ижтимоий усулидир**. Кўпгина ривожланган мамлакатларда давлат иш ҳафтасининг энг кўп давомийлиги ва энг кам иш ҳақини тартибга солади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат иш ҳақини маъмурий белгилашдан воз кечиши керак. Унинг миқдори меҳнат бозорида ёлланма ходимлар ва иш берувчилар ўртасида тузилган меҳнат шартномалари ёки контрактлари асосида белгиланиши лозим.

Бундан ташқари, концепцияда таъкидланганидек, меҳнат биржалари томонидан ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликни камайтириш бўйича амалга ошириладиган муҳим иқтисодий чоратадбирлар сирасига банд бўлмаган ходимларга касблари бўйича иш жойларини тақдим этиш, бандликка кўмаклашиш жамғармасидан имтиёзли кредитлар бериш йўли билан кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бўш иш жойлари ярмаркаларини ўтказиш, ўз вақтида нафақалар ва моддий ёрдам бериш, ижтимоий ҳимояни таъминлаш киради.

**Мазкур концепцияда иш кучи таклифининг камайишига** олиб келувчи шахсий ёрдамчи хўжаликларни, якка меҳнат фаолиятини ва ўзини ўзи банд қилиш тизимини ривожлантириш, бандликнинг эгилувчан ва ностандарт шакллари кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг бозор усулларини татбиқ этиш, инфляциянинг ўсишини қисқартириш, ишсизликни

камайтириш ва унинг нафақаси миқдорини ошириш, ёлланган ходимлар ва иш берувчилар моддий манфаатдорлигини таъминлаш, иш билан банд бўлмаган шахсларнинг малакасини, рақобатбардошлилигини, сафарбарлигини ва экспорт қилинишини ошириш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш каби иқтисодий ва ижтимоий тадбирлар ҳам ишлаб чиқилган.

Шунингдек, иш билан банд бўлган ходимлар малакасини ошириш ҳам **ижтимоий тадбирларнинг** муҳим қисмини ташкил қилади. Ҳозирги вақтда бозор услубида хўжалик юритиш талабларига мос келувчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун объектив зарурият вужудга келди. Бунинг учун, аввало, қишлоқ ўқув масканларининг моддий-техникавий ва молиявий таъминотларини яхшилаш ва улардаги профессор-ўқитувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини, ижтимоий ҳимоясини ва профессионал-малака даражасини тубдан яхшилаш лозим.

